
Фурқат туманидаги маданият марказлари қошида ташкил этилган бадий ҳаваскорлик тўғаракларининг ҳисобот концерти ўтказилди

Фурқат тумани маданият ва туризм бўлими тасарруфида 4 та маданият маркази фаолият олиб боради, ушбу маданият марказлари қошида санъатнинг турли йўналишлари бўйича 20 дан ортиқ бадий ҳаваскорлик тўғараклари ташкил этилган бўлиб, 300 га яқин иқтидорли ҳаваскор ёшлар малакали устозлар томонидан таълим олмоқда.

Бугун Болалар мусиқа ва санъат мактабида бадий ҳаваскорлик тўғараклари ва жамоаларининг ҳисобот концерти бўлиб ўтди, унда ўқувчилар ўз дастурларини моҳирона ижро этишди. концерт дастурига ўқувчиларнинг оналари ҳам таклиф этилиб, алоҳида эътибор кўрсатилди. Тадбир сўнгида барча тўғарак қатнашчилари фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Шу куни вилоят болалар қўғирчоқ театри туманимизга ташриф буюриб, болажонлар эътиборига "Карвонсарой" номли эртак томошасини ҳам намойиш этдилар.

2023-05-12 20:51:56